




IJTIMOIIY - SIYOSIY GAZETASI



МАНГУЛИККА ДАХЛДОРСИЗ...

Иккинчи жаҳон уруши деб номланаётган қирғинбарот талотумнинг тугаганига 80 йил тўлди! Неча ўнлаб давлатларни қамраб олган бу даҳшатли фожиа бошланганида дунёга келган чақалоқ эса 85 ёшга қиряпти!

Мудофаа вазирлиги томонидан тақдим этилган расмий маълумотга кўра, Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши даврида (1939–1945 йиллар) 6,5 миллион аҳоли яшаган бўлса, қарийб 2 миллион (1 миллион 951 мингдан ортиқ) киши фронтга жўнатилган. Улардан 538 минг нафари фронтда ҳалок бўлган, яна юз минглаб инсонлар қисматига эса “бедарак йўқолган” дея қора тамға урилган. Уруш даврида Ўзбекистон муҳим фронторти марказига айланган. Бу ерда 280 та янги корхона барпо этилган, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, республика 1,5 миллиондан ортиқ эвакуация қилинганларни, жумладан, 250 минг етим болани бағрига олган.

Энг сўнгги маълумотда қайд этилишича, бугунги кунда мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган фахрийлардан 82 нафари ҳаёт экан! Улар орасида ёши энг улуғи 114 ёш дейилмоқда. Бу бир ҳафтача аввалги хабар эканлигини ҳам унутмайлик, ҳаёт эса давом этмоқда.

Эртага мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади, номинг ўчгур урушда ҳалок бўлган аждодларимиз хотираси олдида бош эгамиз. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уруш иштирокчиларига тенглаштирилган шахслар ва ўша даврда меҳнат frontiда хизмат қилган инсонлар шарафланмоқда, беқиёс хизмати муносиб тақдирланяпти. Улар учун белгиланган мукофотлар тантанали ҳамда байрамона вазиятда топшириляпти.

6

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН БИРЛАШДИК



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

2

АНОНС

10 МИНГ МОЛИЯ МУТАХАССИСИ... КЎПМИ Ё КАММИ?

Ушбу саволга Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг “2030 йилга қадар Ўзбекистон учун халқаро даражадаги 10 минг молия мутахассиси” лойиҳаси бўйича ишчи гуруҳи муҳокамасида жавоб изланди. Йиғилишда парламент депутатлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари ҳамда молия соҳаси мутахассислари қатнашди. Лойиҳа доирасида халқаро талабларга мос стандартларни яратиш, таълим дастурларини

такомиллаштириш, мустақил сертификатлаш тизимини жорий этиш, 2030 йилга қадар Ўзбекистон учун халқаро даражадаги 10 минг молия мутахассисини ҳамда 1000 нафар ўқитувчини тайёрлаш каби чоратадбирлар ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

(Ушбу лойиҳанинг мазмун-моҳиятига бағишланган тафсилотлар газетанинг кейинги сонларида ёритилади.)

Ҳаёт ҳикмати

Сирожиддин САЙИД:

Хотиранинг ранги мовий – зангор осмон ранглидир, Ватан учун жон берганлар қадри доим шонлидир, Она Ватан байроғида ой, юлдузлар мангудир, Мана шундай порлоқ давру даврон бўлган ўғлонлар!

Инновацион байрамга айланади

2



Ойимжон опанинг омади кулди

3



Ҳовли ортидаги хазина

4



Жоним – НОНИМ

8



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Президент ислохотларини қўллаб-қувватлаш учун бирлашдик

О'zLiDeP парламент қўйи палатасида энг йирик сиёсий куч фракцияси сифатида ўз сайловчилари, кенг жамоатчилик олдида жиддий масъулиятни теран ҳис этади. Шу боис сиёсий мафкурамиздан, яъни ўнг-марказ позициямиздан келиб чиқиб, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда электоратимиз вакиллари манфаатларини инобатга олиб, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, давлатнинг иқтисодийётга ортиқча аралашувини чеклаш ва тадбиркорлар учун қулай ҳуқуқий муҳит яратиш тарафдори эканини яна бир бор таъкидлайди.

Кузатапмизки, бугунги кунда парламентда фракциялар ўртасида рақобат тобора кучайиб бормоқда. Бу, албатта, табиий ҳол. Чунки ҳар бир фракция ўз электорати манфаатини илгари суришга ҳаракат қилапти, ҳар бир ғоя учун кескин курашлар ва баҳс-мунозаралар кетаяпти.

Парламент трансформация бўляпти, десам янглишмайман. Менимча, бу каби жараёнлар кенг жамоатчилик учун сир эмас, қолаверса, улар барча жараёнлардан хабардор.

Бундай вазиятда, унутмаслик кераки, биздаги энг кўп депутатлик ўрнининг ўзи ҳали барча масалаларда таклифларимиз ўтишини кафолатламайди.

Шу сабабли, бутун дунёда қўлланиладиган тажриба, парламентда кўпчилик блокни тузишни муҳим деб ҳисобладик. Ва шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасидаги барча партиялар фракцияларининг сайловолди дастурларини чуқур таҳлил қилдик, бизнинг дастуриимизга мос келадиган ва қарама-қарши бўлган жиҳатларини батафсил ўргандик.

Биз қўйи палатада депутатлар сони бўйича иккинчи ўринни эгаллаган "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси билан "Тараққиёт блоки"га бирлашиш масаласини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ҳамда "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси билан "Тараққиёт блоки"ни ташкил этиб, битим имзоладик. Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатасига баёнотни тақдим этдик.

Бу бирлашув – мамлакатимиз сиёсий ҳаётида, айниқса, Парламент фаолиятида мустақкам ҳамкорликни таъминлаш, барқарор ва самарали қонун ижодкорлиги фаолиятини ташкил этиш йўлида янги саҳифа очадиган муҳим қадам, десам муболага бўлмайди.

1. "Тараққиёт блоки" 93 нафар депутатни бирлаштириб, парламентдаги кўпчиликни ташкил этади ва етакчи сиёсий кучга айланади.

Мазкур блокни тузишдан асосий мақсад – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциялари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш орқали партияларнинг дастурий мақсад ҳамда вазифаларини самарали амалга оширишга эришишдан иборат.

2. "Тараққиёт блоки" Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёев бошчилигида қисқа даврда мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш, очиклик сиёсатини юритиш, мамлакат иқтисодиёти ва халқаро нуфузини ошириш соҳаларида тарихий ислохотлар амалга оширилганлигини эътироф этган ҳолда, бу борадаги ишларни изчил ва қатъий давом эттириш жонажон Ўзбекистонимизни юксалтиришнинг ягона тўғри йўли, деб ҳисоблайди.

3. "Тараққиёт блоки" халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида қабул қилинган "Ўзбекистон – 2030" стратегияси, уни амалга оширишга қаратилган ҳукумат дастурини тўла қўллаб-қувватлайди ҳамда ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашда бор имкониятларини сафарбар этади.

4. Партияларнинг парламентда ягона куч сифатида бирлашишига дастурий мақсадлар, сиёсий мафкура ва йўналишлар муштараклиги ва ғоявий уйғунлиги, шунингдек, кўп йиллик фаолият давомида тўпланган амалий тажриба асос бўлиб хизмат қилади.

Иккала партия ҳам дастурий қарашлар, мақсад ва вазифалар жиҳатидан ўзаро яқиндир. Сиёсий майдонда ҳар икки партия ғоявий жиҳатдан ўнг қанотда жойлашган бўлиб, О'zLiDeP ўнг-марказ, "Миллий тикланиш" демократик партияси эса ўнг партия ҳисобланади.

5. "Тараққиёт блоки" барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилиш, кўп асрлик миллий-тарихий тажрибага таяниб фаолият юритишни муҳим деб ҳисоблайди. Ўзбекистон равақини фракцияларни бирлаштирувчи асосий омил деб билади.

Партиялар ўртасидаги ҳамкорлик самаралари бугунги кунда яққол намоён бўлмоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатда муҳим ислохотлар амалга оширилди.

6. Партияларнинг жамият ва давлат учун долзарб масалаларни ҳал этишдаги ҳамкорлик тажрибаси ушбу амалиёт-

ни парламент фаолиятига татбиқ этиш имконини беради.

7. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, миллий манфаатларни рўёбга чиқариш ва юртимиз тараққиётини таъминлашга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнида иккала партия ягона куч сифатида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратилади.

8. "Тараққиёт блоки"нинг устувор фаолият йўналишлари партияларимиз дастурларидаги муҳим мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш, электоратимиз манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади:

– ҳар бир фуқаронинг хусусий мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини рағбатлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

– сўз эркинлигига қарши ҳар қандай уринишларга қарши туриш ва мустақил нодавлат матбуот тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда эркинлик ва очиклик сиёсатини изчил давом эттириш;

– таълим сифатини ошириш ва инсон салоҳиятини ривожлантириш, нодавлат таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

– соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, тиббий суғуртани жорий қилиш, нодавлат тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш;

– солиқ маъмурчилиги тизимини соддалаштириш, барча тадбиркорлар учун солиқ тўлаш борасида адолатли ва тенг шароитлар яратиш, солиқ ставкаларининг ўзгармаслигини таъминловчи сиёсат юритиш;

– давлат бюджети харажатларини қисқартириш, рақамлаштириш орқали бюрократияни бартараф этиш, давлат хизматларини кўрсатишда хусусий сектор иштирокчини кенгайтириш;

– фуқароларга шахсий танлов имконини берувчи хусусий жамғарма пенсия тизимини яратиш, рақобатбардош ва бозор механизмлари орқали бошқариладиган замонавий, шаффоф пенсия тизимига ўтиш;

– мамлакат суверенитети ва хавфсизлигини кафолатлаш.

Партия фракцияларининг мазкур ташаббуси миллий манфаатларимизга хизмат қилиб, мамлакатни янада ривожланган, қудратли, адолатли ва замонавий давлатга айлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлади. Шу билан бирга, электоратимиз ишончи ва қўллаб-қувватлашини оқлаш учун фаолиятини самарали давом эттириш имкониятимизни оширади.

Ақтам ХАЙТОВ,
О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги партия
фракцияси раҳбари

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ МАҚСАДЛИ ИШЛАТИЛЯПТИМИ?



Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармасининг "Вилоят маҳаллий бюджетининг 2025-йил 1-чорақдаги ижроси ҳамда бюджет ижросини таъминлашда Бюджет кодекси талабларига риоя этилиши тўғрисида"ги ҳисоботи эшитилди.

– Жорий йилнинг биринчи чорағида вилоят маҳаллий бюджети даромадлар режаси 1185.4 млрд сўмга белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 1187.3 млрд сўмга ба-жарилди, – дейди бошқарма бошлиғи ўринбосари Суҳроб Саидов. – Маҳаллий бюджет харажатлари режаси эса киритилган ўзгаришлар билан бирга 1349.1 млн сўмни ташкил этиб, ҳақиқатда 1054.2 млрд сўмга ижро этилган. Ўзгаришлар асосан иш ҳақларини ошиши ҳисобига, коммунал тўловларда мавжуд қарздорликларни қоллашга, озик-овқат, дори-дармон харажатлари, ижтимоий соҳа муассасаларига қуёш панеллари ўрнатиш, давлат дастурлари ижроси ва бошқа ижтимоий-иқтисодий тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш мақсадида амалга оширилган.

Биринчи чорақ давомида ижтимоий соҳа ва аҳолини қўллаб-қувватлаш харажатларига 623.8 млрд. сўм, иқтисодиёт харажатларига 168.6 млрд сўм, марказлашган инвестицияларни молиялаштиришга 16.4 млрд сўм, давлат бошқаруви органларини сақлаш харажатларига 175.9 млрд сўм, фуқаролар ташаббуси жамғармасига 0.57 млрд сўм ва бошқа харажатларга 68.9 млрд сўм йўналтирилган. Шунингдек, вилоят, туман (шаҳар) лар маҳаллий бюджетининг 2025 йил

бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"га 14.4 млрд сўм, ҳукумат қарорлари ва давлат дастурлари ижросини таъминлашга 91.60 млрд сўм йўналтирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет кодекси" ҳамда "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуннинг асосий принципларига қатъий риоя қилган ҳолда қимматбаҳо воситалар харид қилиш каби ортиқча харажатларга чек қўйилишини қатъий назоратга олиш, манбасиз харажатларга ва қўшимча манбалар ҳисобидан асоссиз шарт бирликларини сақланишига йўл қўймаслик юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида ҳозирги кунга қадар жами 156.4 млрд сўмлик бюджет маблағларининг мақбуллаштирилиши таъминланди.

Йиғилишда О'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари-аппарат раҳбари Аббор Аннаев, вилоят кенгаши депутатларидан Шуҳрат Турсунов, Алишер Бойқараев ва бошқалар сўзга чиқиб, айрим туманларда бюджетдан самарасиз фойдаланишга чек қўйиш, бюджетни фақат солиқларни ошириш орқали тўлдириш тадбиркорларни қийнаб қўяётганлиги, умумий оқватланиш шохобчаларида ўттиз киши ишласа-да, фақат икки кишига солиқ тўланаётганлиги, бундан солиқчиларнинг кўз юмаётганликлари тамагирликдан далolat эканлиги, бюджет маблағларини талон-тарож қилаётган айрим раҳбарларга кескин чора кўриш, одамларга субсидия бериш эмас, балки меҳнат қилиш орқали даромад топишга йўналтириш, бюджет тизими маблағларидан ноўрин фойдаланилишини олдини олиш юзасидан амалий таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

О'ZLIDEP ЛОЙИҲАСИ

ИННОВАЦИОН БАЙРАМГА АЙЛАНАДИ

Наманганда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Гуллар байрами"нинг навбатдагиси бутунлай ўзгача ўтиши кутилмоқда.



Ташкилотчиларнинг изох беришларича, нафақат гулларнинг ранг-баранг нақшлари, балки технология ва экологик масъулият рамзи сифатида эсда қолиши ҳам режалаштирилган. Шу муносабат билан О'zLiDeP Наманган вилояти кенгаши томонидан таклиф этилаётган "Yashil Smart-Bench" лойиҳаси шаҳар марказини ҳақиқий инновацион майдончага айлантиришнинг мақсад қилгани эътиборга лойиқ.

Ушбу лойиҳа доирасида шаҳардаги марказий кўча ва хиёбонларга қуёш батареялари билан таъминланган ўриндиқлар ўрнатиш мўлжалланмоқда. Ҳар бир "Smart-Bench" гуллар мавзусига мос равишда бадиий панеллар билан безатилади, кундузги қуёш энергиясини


йиғиб, тунда USB порт ва симсиз қувватланиш станциялари орқали мобил қурилмаларни тўлдириб олиш имконини беради. Бундан ташқари, бепул Wi-Fi тармоғи ва интерактив QR кодлар орқали байрам дастури, жамоат транспорти жадвали ҳамда сайёҳлик маршрутларига улашни ҳам назарда тутилган.

Бу ташаббус О'zLiDePнинг сайловолди дастуридан ўрин олган "5 мақсад, 500 вазифа" доирасидаги барқарор инфратузилма ва яшил иқтисодиёт йўналишларини амалиётга татбиқ этиш бўйича муҳим қадам саналади. Лойиҳани жорий этиш орқали маҳаллий хунараманд ва расомлар, боғбонларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, фуқароларнинг рақамли хизматлардан фойдаланиш

имкониятини кенгайтириш орқали ижтимоий уйғунликни мустаҳкамлаш кўзланмоқда.

Агар таклиф маъқулланса, йил сайин дунёда доврўқ таратаётган "Гуллар байрами" карнавали нафақат эстетик томони билан, балки "green tech" ғоялари билан ҳам ёрқин из қолдиради. Қолаверса, партия Наманган вилояти кенгаши жамоатчилик фикрини ўрганиб, ушбу мавзуга оид таклифни яқиний лойиҳа ҳужжатларига киритишни режалаштирмоқда. Бундай саъй-ҳаракат эса вилоят нуфузини барқарор раванқ ва замонавийлаштириш сари йўлдаги энг ёрқин намуналаридан бири бўлиши кутилмоқда.

О'zLiDeP Наманган
вилояти кенгаши
матбуот хизмати



ХОРАЗМ: ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЧОРРАҲАСИДА

Президентимиз анъанага кўра ҳудудлар ривожини ва аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, янги истиқболли режаларни белгилаш мақсадида шу ой бошида Хоразм вилоятига ташриф буюрган эди.

Албатта ушбу сафар тафсилотлари барча ОАВда батафсил ёритилди. Давлатимиз раҳбари томонидан вилоятда қатор соҳаларда амалга оширилган ислохотлар атрофлича таҳлил этилди, йўл қўйилган айрим камчиликлар юзасидан йўл-йўриқ, маслаҳатлар ҳам берилди. Шавкат Мирзиёев Хоразм довруғи, нуфузи ҳақида сўз юритар экан, унинг шонли тарих билан янги ислохотлар туташган чорраҳа эканини бежиз таъкидламади. Худуднинг логистика занжиридан узокда экани таъкидланиши баробарида, табиий ресурслар жиҳатидан ҳам чекланганига урғу берилиб, шундай бўлса-да, воҳада ўтган йили чин маънода “кичик ва ўрта бизнес йили” бўлгани эътироф этилди.



Рақамларга эътибор қаратайлик: ўтган йили вилоятда 7 минг нафар янги тадбиркор иш бошлаган, 47 та корхона кичикдан ўртага ўтган, 1 минг 700 та корхона фаолияти тикланган. Натижада вилоятда бир йил ичида 290 минг аҳоли ишли бўлган!

Табиийки, бу ишлар ҳали денгиздан бир томчи, олдинда янада залворли ишлар, долзарб вазифалар турибди. Масалан, вилоят миқёсида оладиган бўлсак, камбағаллик даражаси ҳамон 12 фоиз атрофида, 45 минг фуқаро ишсиз. Имкониятларни лойиҳага айлантириш натижасида янги иш ўринлари яратиш, саноат, сервис, туризм, қишлоқ хўжалиги, экспорт салоҳиятини янада ошириш зарурлигига қайта-қайта урғу берилди.

Давлатимиз тараққиётининг драйвери ҳисобланган иқтисодийёт соҳасини оладиган бўлсак, бу борада Хоразмда улкан имкониятлар бор. Жорий йилда вилоятда камиди 6 фоиз иқтисодий ўсиш таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулотни 60 триллион сўмдан ошириш режалаштирилган. 265 минг аҳолини банд қилиб, 104 минг юртдошимизни камбағалликдан олиб чиқиш мақсад қилинган. Бу ишлар, албатта, ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди, катта меҳнат ва фидойилик ортидан рўёбга чиқади.

Мен ташриф жараёнида тилга олинган айрим ҳаётий мисолларни кўздан кечиран эканман, ўзим гувоҳ бўлган айрим жиҳатлар хусусида сўз юритмоққа жазм этилган. Масалан, кейинги саккиз йилда Хоразмда мебель саноати 3 карра ўсгани айтиб ўтилди. Ёки Хонқадаги 10 гектар ерда мебелчилик зонаси ташкил этилгани, ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун хориждан дизайнер, маркетинг, инженер-технолог олиб келиниши режалангани ва бу соҳага оид қўшимча равишда махсус дастур тайёрлаш топшириғи берилгани кишини қувонтиради.

Ўзим бир умр Хоразмда яшаб, ижод қилаётган оддий бир ижодкор сифатида ушбу ташрифда кўп бора тилга олинган Хонқа туманидаги хайрли ишлар ва ташаббуслар хусусида сўз юритмоқчиман.

Хоразмнинг барча ҳудудлари унумдор тупроқли ерларга, оқар сув ҳамда ерости сувларини оқизиб кетиш йўллари – ариқ ва захкашларга эга. Воҳаликларда турли қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил кўтариш бўйича кўп асрлик бой тажриба бор. Бу борада хонқаликлар билан беллашадиган ҳудуд бормикан? Бу ерда, айниқса, аграр соҳа бўйича ўзига хос мактаб яратилган.

Эсимда, мустақиллик йилларининг илк даврида вилоятга раҳбарлик қилган Маркс оға Жуманиёзов йил якунларига бағишланган йиғилишда бир жамоа хўжалиги раисини турғазиб, хўжалик йилни қанча соф даромад билан якунлаганини сўраган эди. Раис бечора қизариб-бўзариб, минг хижолат тортиб, унчалик катта

тумандаги Олажа қишлоғи одамлари ўз ихтиёридаги парчагина томорқасидан бир мавсумда камиди уч бора ҳосил олмаса, кўнгли тинчмайди. Деҳқончиликнинг роса ҳадисини олишган-да қурмагурулар. Бу ерда деярли барча хонадонда катта-кичик иссиқхона бор. Яхши-си, сиз мендан ҳовлисида бирор нарса экилмаган оила топиб беринг, деб сўраб қўя қолинг. Йўқ, албатта!

Қиш ўртасида иссиқхонага турли хил сабзавот кўчатлари уруғи экилади. Баҳор бошланди дегунча ана шу кўчатлар аҳолига сотила бошлайди. Ер деярли бўш турмайди. Ўрнига яна сабзавотнинг тезпишар навлари экилиб, ёз ўрталарида йиғиштириб олинади ва учинчи марта кузги екнлар уруғи сепилади. Қарабсизки, бир парча мўъжазгина томорқадан бир неча юз миллион сўм даромад олинади.

Кўпчилик эсласа керак, беш йилча аввал шу қишлоқда яшовчи ўқитувчи аёл Анбар Раҳимова Президентимиз фармонида кўра “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланганида кўпчилик ҳайрон қолган эди. Муаллимлик ўз йўлига, лекин уйдаги томорқасида ишлаб ҳам давлат мукофоти олиш мумкин экан-да, дегувчилар топилган. Ўшанда камтаргина Анбар опа билан суҳбатимиз жуда қисқа бўлганди. Бўлади-да!

Энди тасаввур қилинг, олти сотих ер майдонида иссиқхона ташкил қилган оила йил давомида ҳалол тер тўкиб астойдил ишласа, салкам юз миллион сўм атрофида даромад топарди ўша йиллари. Биласизки, бу ҳар қандай қишлоқ шароитида жуда катта маблағ. Яна оила аъзолари ҳам ишдан бўш вақт топса, иссиқхонаги юмушлар билан шуғулланган. Улар етиштирган сабзавот маҳсулотлари бозорларимиз тўкинлиги ва арзончилигини таъминлашга ҳисса қўшган. Айрим бели оғримасдан пул топишга ўрганиб қолганларга ўхшаб “Ишсизман, менга моддий ёрдам беринглар!” деб маҳаллий ҳокимлик эшиклари тагига ётиб олгани йўқ. Аксинча, топган даромадидан эҳтиёжманд оилаларга мунтазам моддий ёрдам беришни одат қилганлари ҳам кам эмас биз тарафларда.

Шундай одамлар ҳам борки, “Берсанг ейман, бермасанг ўламан” қабилида яшашга одатланиб қолган. Ҳайҳотдек томорқаси бўш ётганлари қанча. Парчагина ер рўзгорни боқиб, қозонини йил бўйи беминнат қайнатишини билмайди, деб уйлайсизми? Жуда яхши билди, лекин ишлагиси келмайди. “Иссиқхонамизда кун давомида кўпи билан икки соат ишлаймиз. Ундам эрталаб ишга кетгунча ва ишдан қайтганимиздан кейин. Томорқадан топадиган даромадимиз кун бўйи қиладиган ишимиздан кўра кўпроқ”, деган эди ҳалол меҳнати юксак қадрланган миришкор аёл. Бундай улкан эъти-

нинг бошқа ҳудудларида, балки қўшни Қорақалпоғистонда ҳам мавсумий деҳқончилик юритиш борасида довруқ таратган. Улар Қорақалпоғистоннинг аҳоли кам яшайдиган чекка туманларида бўш ётган ерларни ижарага олиб, кўпи билан беш-олти ой ичида салмоқли ҳосил кўтаришади. Мавсумда эллик гектар ерни ижарага олиб, ундан икки миллиард сўм атрофида даромад топадиган асл деҳқонларни ҳам биламан. Эътиборли томони, улар шундай йўл орқали ҳам шу ерлик ёшларни мавсумий иш билан таъминлашади, ҳам маҳаллий бюджетга каттагина солиқ тўлашади. Етиштирган ҳосил билан мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари аҳли дастурхонини ҳам тўқин қилишмоқда.

Ҳозир хонқалик деҳқонларни Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг чўл ҳудудларида ҳам учратиш мумкин. Ўзларининг бой тажрибаларини ишга солиб, шароити оғир бўлган чўл ҳудудларида деҳқончилик қилиш орқали ташландиқ ерларни соз ҳолатга келтиришга, юқори ҳосил кўтариб, бозорларимизни тўлдиришга ҳисса қўшишмоқда.

Оддий мисол: қишлоғимиздаги фермерлардан бири оқар сув яқинидаги ер майдонини хонқаликларга бир мавсум учун ижарага берди. Бу жой ерости сувлари юқорилиги сабабли жуда захлаб кетган, қандай экин экилса-да, фарқи йўқ, эшагидан тушови қимматга тушар, сарф-харажатлар умуман қопланмас эди. Уч нафар ўрта яшар киши ёзу куз мавсумида ўша майдонда деҳқончилик қилди. Уларни сахармардондан то қора хуфтонгача дала бошида кўрардик. Ҳали улар ерга энди уруғ қадаётган маҳалда “Э, аттанг, қилган меҳнатига кўйиб қолади-ёв, ёз ўртасига борма ташлаб кетади”, деб башорат қилганлар кузда кўтарилган ҳосилни кўриб, ёқаларини ушлади. Баҳорда ҳовлиқиб шубҳа билдирганлар “Асли хонқаликларга деҳқончилик бора-



сида худо берган, уларга Ҳизр буваям назар солган бўлса керак”, деб ўзларини оқлашди...

Баъзан катта-кичик давраларда бу хонқаликлар деҳқончилик сир-асрорларини яширишади, деган гап ҳам юради. Бу ҳақда тажрибали бир деҳқондан сўраганимда у: “Деҳқончиликда не сир бўларди? Унинг бор синоати – ерга меҳр бериш, унга гўё ўз фарзандинга қарагандек қарашинг”, деганди. Ва яна “Сен бир ухлаб тургунингча хонқаликнинг ҳосили пишади”, деган ибора ҳам борки, бу киноя негизда ҳам аслида ўша меҳр, меҳнаткашлик ётибди.

Қолаверса, мамлакатимизнинг яна бошқа бир қатор ҳудудлари ҳам деҳқончилик, боғдорчилик ёки тадбиркорлик, хунармандчиликнинг айрим турлари бўйича танилгани бор гап. Масалан, Олтиариқ ўзининг узумию турп ва бодринглари, Чироқчи эртапишар тарвузи, ғузориликлар эса тандир гўшти билан, Риштон қулоллари ва Ургут бўлса довруғи чиққан савдогарлари ортидан шуҳрат қозонган, дунёда машҳур.

Хуллас, Хонқа нафақат деҳқончилик, балки халқ хунармандчилиги соҳасида ҳам хон замонларидан буён тилларда дoston. Мадир қулоллари ясаган рўзгор жиҳозлари Лувр музейи томонидан харид қилингани бежиз эмаслигини изоҳлаш ортиқча. Истиқлол хонқалик мебелсозларга ҳам катта имкониятлар эшигини очди. Бугун воҳада тайёрланаётган мебелларнинг деярли ярами хонқалик усталар ҳисобига тўғри келади. Мебелсозларга тегишли устахоналарни вилоятнинг барча туманларида учратиш мумкин. Бу қадим хунармандчилигини янада ривожлантириш, шу соҳага ёшларни кенг жалб қилиш мақсадида туманда кичик саноат зонаси бунёд этиш ғоясини давлат раҳбари ўртага ташлаган эди. Қисқа муддатда замонавий бино ва бошқа инфратузилмаларга эга кичик саноат зонаси барпо этилди. Ўтган ҳафта Хоразм вилоятига ташриф буюрган Президентимиз мазкур кичик саноат зонасини ҳам бориб кўрди. Янги кичик шаҳарчада юз турдан ортиқ замонавий мебеллар ишлаб чиқарилишидан ташқари “Устоз-шоғирд” анъанаси бўйича шу хунарга қизиққан ёшларга касб сир-асрорлари ўргатилиши ҳам йўлга қўйилади. Бу эса юзлаб ёшларимизнинг иш билан таъминланиши, ўзлари севган касбини ўрганиб, шу соҳада ишлашларига имконият яратлади.

Шавкат Мирзиёев ташрифи доирасида Хонқа туманидаги “Собиържон Юсуф” оилавий кўчатчилик фермер

хўжалигида олиб борилаётган ишлар билан ҳам танишди. Уч гектар майдонда мева ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирилади. Бундан ташқари икки гектарлик боғ ҳам бор. Ибратли жиҳати, 12 сотих майдонни эгаллаган иссиқхонада 40 турдан ортиқ гул кўчатлари тайёрланади. Иссиқхона замонавий сув тежамкор технологиялар билан таъминланган бўлиб, унинг ҳар бир бўлимида кўчатларнинг тури ва хусусиятидан келиб чиқиб зарур микроклим яратилган.

Кўчатчилик фермер хўжалиги раҳбари, серғайрат онахон Ойимжон Отажонова оила аъзолари билан биргаликда ҳар йили ўртача 50 минг тупдан ортиқ кўчатлар етиштириб, аҳолига ва ташкилотларга етказиб бермоқда. Бундан ташқари, сара кўчатларнинг харидорлари бугунда қўшни Туркменистон ва Қозоғистон Республикаларида ҳам анчагина. Шу мўъжазгина фермер хўжалигининг йиллик даромади бир миллиард сўмдан ошади.

Ойимжон опанинг асосан кўчатчилик билан машғул бўлган Гулистон маҳалласида етти минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Ўтган даврда тадбиркор опа икки юз нафардан зиёд шоғирд етиштирган. Опадан ибрат олган маҳалладошларининг уч юз нафари айнан кўчатчилик билан шуғулланган. Фидойий замондошимиз шу йилнинг ўзида тумандаги барча мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларига икки минг дона қарағай кўчатларини бегараз тарқатиб, “Яшил макон” лойиҳасига ўз ҳиссасини қўшди.

Бундан ташқари, маҳалладаги хонадонларнинг деярли етмиш фоизидида касаначилик кенг йўлга қўйилган. Айнан деҳқончилик, касаначилик, хунармандчилик тобора ривожланиб бораётгани туфайли аҳоли сони икки юз мингга етган туманда камбағал оилалар бошқа туманларга қараганда анча оз.

73 ёшли Ойимжон опа Отажонова олий маълумотли педагог, ўттиз йилдан кўпроқ ўрта мактабда ёшларга сабоқ берди. Кўчатчилик фаолиятини эса пенсияга чиққанидан кейин бошлади.

Шу ўринда опамизнинг жонқуярлиги, ишбилармонлигини айрим ҳудудлардаги фермерлар фаолияти билан таққослаш ўринли. Тасарруфда юз гектарча ер майдони бўлатуриб, йилни арзиманган даромад билан якунлайдиган ёки нуқул зарар кўриб келаётган фермерларни ҳам биламиз. Ана энди илқидаги бор-йўғи беш гектаргина ер майдонидан йилга бир миллиард сўмлаб даромад топаётган Ойимжон опанинг меҳнатини қандай таърифлаш мумкин? Чин маънода бу аёлни замонамиз қахрамони десак арзийди-ку!

Шунинг учун ҳам Президентимиз Ойимжон Отажонова бошчилик қилаётган фермер хўжалиги фаолияти билан яқиндан танишиб, омилкор, тадбиркор аёлнинг самарали меҳнатларини эътироф этиб, хизматлари, меҳнатсеварлиги ва ёш авлодга намуна бўлаётганлигини инобатга олиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” фахрий унвони билан тақдирлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекажagini эълон қилди!

Энди айтинг бизга, қайси замонда оддий бир кўчатчи ё томорқачи шундай шарафланган эди? Ана сизга ҳалол меҳнатнинг меваси. Бу қувончли хушхабарни эшитганларнинг барчаси бир овоздан Ойимжон опани дуо қилишди, юксак мукофот ҳақиқий эгасини тоганини қайта-қайта таъкидлашди. Хўжалик даласида, опанинг ҳовлисида байрам бўлиб кетди шу кун.

Кўрсатилган ушбу эҳтиром барча соҳаларда намуна бўлиб келаётган хонқаликларнинг ҳам меҳнатига берилган муносиб баҳо бўлди, дейишмоқда улар қувончдан бошлари осмонга етиб.

Мақоламизни кўп йиллардан бери хонқаликлар ҳақида ҳам ҳазил, ҳам чин маънода айтиб келинаётган тўрт қатор шеърли сатр билан якунлашни истардим:

**Хонқаликлар қайда йўқ?
Улар фақат Ойда йўқ.
Улар нега Ойда йўқ?
...Ойда эса фойда йўқ...**

**Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” муҳбири**



бўлмаган рақамни айтганида вилоят ҳокими “Хонқанинг Олажа қишлоғидаги истаган бир хонадонга кириб сўраб кўр. Сенинг хўжалигинг олган ўша даромадни бу қишлоқда одамлар томорқасидан кўтаришяпти. Шунча одам, техника, ёқилғи-мойлаш материаллари сенларга ҳайф!” деган эди.

Кимдир ишонар, кимдир ишонмас, бошқа жойлар учун қафолат беролмайман-у, лекин биргина ана шу

роф билан қутлаганимизда “Бу менга эмас, балки етти пуштимдан мерос бўлиб қолган меҳнатсеварлик учун берилган мукофот”, деганди Анвар опа кулимсираб...

Хоразм тарихида ўз томорқасида маҳсулот етиштиргани учун илк бора давлат мукофотида сазовор бўлиш ҳолати аслида шу элдошларим – тажрибали, меҳнаткаш деҳқонлар меҳнатига берилган муносиб баҳо эди!

Хонқаликлар нафақат ўз туманлари ёки вилоят-

Ҳовли ортидаги хазина

Ҳам эрмак, ҳам емак

Ўтмишда томорқа ишлари билан нега асосан аёллар шуғулланган, деб қолди бир танишим. Беихтиёр ўйлаб қолдим. Ростдан ҳам нега? Ҳаёлимга биринчи келган сабаб шундай бўлди: хонага қамалиб ўтиравериш кишини одамёввойи қилиб қўяди. Ҳам эрмак, ҳам емак учун бўлса керак-да? Бу савол баданимга ботган зирапчадек ҳаёлимдан кетавермагач, кўплаб манбалардан бунинг жавобини қидира кетдим.

Томорқачилик тарихи

Манбаларга кўра, илк томорқачилик ишлари Неолит даврида пайдо бўлган. Шу тариқа 10 000 – 12 000 йил аввал инсонлар овчилик ва теримчиликдан мулкдорлик ва муқим турмуш тарзига ўтиш пайтида, уйлари атрофида кичик ерларни ўзлаштириб, унда буғдой, арпа, нўхат ва зиғир каби турли экинлар эка бошлашган. Кейинчалик бу машғулоти тури оммалашиб, Месопотамия, Нил дарёси бўйлари, Хоразм ва Осиёдаги бошқа ҳудудларда боғдорчилик ва кичик суғориладиган майдонларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Айниқса, Ўзбекистон ҳудудидаги Бухоро, Хоразм воҳаси ҳамда Фарғона водийсининг аҳолиси уйи атрофидаги ер майдонини суғориш ва бошқариш санъатини азалдан чуқур эгаллаган. Ушбу билим ва тажрибалар авлоддан-авлодга ўтиб сайқалланиб келмоқда.

Маъносини биласизми?

“Томорқа” сўзи соф туркийча сўз бўлиб, “Том” – уй, тураржой маъносини англатиб, унга эргашиб келувчи “орқа” сўзи “уйнинг ортидаги жой” маъносини англатади. Ҳозирча бирор тарихий ёки илмий адабиётларда томорқа сўзининг этимологик тарихий илдиизи топилганича йўқ. Бироқ шунга қарамай, ушбу сўзни жуда қадимий сўзлардан бири дея эътироф этиш мумкин. Негаки, ўзбек халқ достонлари, мақоллари, матал, қўшиқ, афсона ва ривоятларида томорқачиликка оид кўплаб жумлаларни учратиш мумкин.

Шунингдек, “Темур тузуқлари”, Алишер Навоийнинг “Хамса”си ва бошқа тарихий адабиётларда қишлоқ ҳаёти ва ер билан боғлиқ мавзулар бот-бот тилга олиниб, инсонлар учун томорқада етиштирилган ҳосил ва унинг аҳамияти, хотин-қизларнинг томорқачилик орқали оилавий озиқ-овқат таъминотиغا ҳиссаси ҳусусида тўхталиб ўтилган. Бундан ташқари, Абу Райҳон Берунийнинг “Қонун ал-Масъудий” асарида томорқа ишлари, хусусан, қишлоқ хўжалиги, ободончилик ва ердан фойдаланиш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, унда обиёт (суғориш), уруғ экинлари, ўсимликларнинг ҳусусиятлари ва уларнинг етиштириш усуллари борасида батафсил тўхталиб ўтилган. Шунингдек, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида турмушга оид кўплаб иборалар ва томорқа ишлари, деҳқончилик аънаналари қайд этилган. Шу билан бирга, Абу Али ибн Сино “Китоб ал-Қонун фи-т-тиб” асарида томорқа хўжалигида шифобахш ўсимликларни етиштириш, уларнинг ҳусусиятлари ҳақида ёзиб қолдирган.

Қолаверса, Наршахий “Тарихи Бухоро”,



Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарларида Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик илми ва ердан фойдаланиш усуллари, томорқа ишлари ва деҳқончилик ҳақида кўплаб амалий ва табиатга оид маълумотларни ёзиб қолдирган.

Нимаси муҳим?

Томорқачилик – уйга яқин ва қатъий назоратни талаб қилмайдиган иш. Шу боис аёллар уй ишлари билан бир вақтда ҳовлидаги кичик ер майдонида мева-сабзавотлар етиштириб, товуқ, эчки, сигир сингари мол-ҳол парваришлаган. Мамлакатдаги турли иқтисодий-сиёсий вазият аҳоли, хусусан, хотин-қизларда пухта томорқачилик кўникмаларини шакллантирган. Натижада ситир ситидан ажратиб олинган ёғ турли меш идишларда, сабзавотлар ўра ва ертўлаларда, ҳаттоки айрим мевалар сопол идишларга солиниб, лой-сувоқ билан ўралиб,

барра ҳолида сақланган. Шу тариқа томорқа маҳсулотлари қишга захира қилиб қўйилган, баъзан бозорда сотилган. Гоҳида қўшнилари билан айрибош қилинган. Таъкидлаш жоизки, аёлларнинг томорқачилик билан шуғулланиши – Ўзбекистонда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу нафақат оила даромадини оширишга, балки аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини, иқтисодий мустақиллигини ва нуфузини кучайтиришга хизмат қилади.

Томорқачи аёллар фақат биздами?

Йўқ, албатта! Ҳиндистоннинг Орисса штатида яшовчи органик фермер ва эколог Сабармате Тики дунёга машҳур томорқачи аёллардан бири. У отаси Радҳамохан Тики билан бирга 1980-йилларда ҳукумат аллақачон фойдаланишга яроқсиз дея белгиланган ерга кўчиб ўтади. Бир неча йиллик қайта-қайта уринишлардан сўнг ота-бола органик усуллар билан ўша ҳудудни қайта тиклайди. Шу тариқа улар 90 акр ерда қора гуруч, буғдойдошлар оиласига мансуб жек ловияси ва чиннигул ловияларини етиштиришга муваффақ бўлишган. Ушбу хизматлари учун Сабармате 2018 йилда Ҳиндистоннинг аёллар учун энг юксак Nari Shakti Puraskar (Аёл қудрати) ва 2020 йилда мамла-

катнинг тўртинчи энг олий фуқаролик Падма Шри мукофотларига сазовор бўлган.

Яна бир машҳур томорқачи аёллардан бири зимбабвеллик фермер ва ёзувчи Элизабет Мпофудир. Унинг 10 гектарлик органик фермер хўжалиги бор. У 1982 йилда Зимбабве аънавий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташкilotининг аъзоси бўлган ва кейинчалик ZIMSOFF (Зимбабве кичик фермерлар форуми) ташкilotига асос солган. 2016 йилда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкilotи (FAO) томонидан Pulses Ambassador сифатида танланган. У 2013 йилдан бошлаб Via Campesina халқаро фермерлар ташкilotининг умумий координатори бўлиб фаолият юритиб келмоқда.

Буркина-Фасолик томорқачи Марселлин Уэдраого аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган ташаббуслари билан машҳур. У 1990 йилда Songtabaa-Yalgré ташкilotига асос солган. Ушбу ташкilot ўзида 13 та фермер хўжалигини бирлаштириб, Шеа ёнғоғи ёғи ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кооперативини амалга оширади. Бу лойиҳа орқали 3 000 дан ортиқ аёллар ўз даромадини оширишга эришган. Унинг фаолияти ижтимоий ўзгариш яратишда етакчи бўлган шахсларга бериладиган нуфузли мақом – Ashoka Fellow сифатида тан олинган.

Шунингдек, Ботсвананинг Kalahari Honey компаниясининг асосчиси Мавис Ндучва аёллар ерларини филлардан муҳофаза қилиш учун ари етиштиришда ёрдам беради.

Непаллик Канчан Амаатья ўз ишини ҳовлисида балиқ етиштиришдан бошлаган. Кейинчалик “Sustainable Fish Farming Initiative (SFFI)” ташкilotига асос солган. Улар ўз фаолиятлари орқали нафақат ўз оилалари фаровонлигини, балки жамият ривожланишини ҳам таъминлашмоқда.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистондаги 5 миллиондан зиёд хонадонда 508 минг гектар томорқа мавжуд. Шу билан бирга, деҳқон хўжаликларида 17 минг гектар ва кейинги йилларда аҳолига тарқатилган 260 минг гектар ер ҳам бор.

Ортада қолган 7 йилда томорқа эгалари ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 2,3 триллион сўм имтиёзли кредит ва 265 миллиард сўмлик субсидия берилди. Аҳолининг томорқачилик кўникмасидан келиб чиқиб, 5 минг 145 та маҳалла мева-сабзавот етиштириш, кўкatchилик, лимончилик каби йўналишларга ихтисослаштирилди. Аҳамиятли томони одамлар мана шу ўтган йиллар давомида замонавий агротехнологияларни қўллаш орқали ер билан тиллашишни ўрганишди. Авваллари томорқада гектаридан ўртача 18 тонна маҳсулот етиштирилган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 38 тоннага етгани қувонарли ҳолдир.

Бу борада Ўзбекистон ҳукуматининг жонбозлиги алоҳида эътирофга молик. Жумладан, ўтган йиллар мобайнида маҳаллаларда қўшимча 470 минг тонна мева-сабзавот сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш қувватлари яратилди. Бу борада Асака, Жондор, Шаҳрисабз, Ўйчи, Қизилтепа, Янгийўл, Тойлоқ, Ангор, Қува, Олтиариқ каби ўнлаб туманлар ўз томорқасидан 2-3 мартадан ҳосил кўтариб, бир сотихдан ўртача 15-20 миллион сўм даромад топаётгани таҳсинга лойиқ.

Айниқса, O‘zLiDePнинг “Намунали томорқачи аёл – фаровонлик бунёдкори!” лойиҳаси ҳам муҳим ташаббуслардан биридир. Лойиҳа доирасида хотин-қизларнинг бандлиги таъминланиб, кўплаб томорқачи аёллар ҳаётида янги бурилиш юзига келмоқда.

Мисол учун, авваллари маҳсулот етиштиришдан ҳам кўра уни сақлаш муаммо эди. Ушбу ҳолат инобатга олиниб, маҳалла ва хонадонларда музлаткич, қадоқлаш, қуритиш, қайта ишлаш омборлари ва иссиқхоналар қурилиб, аҳолига 5 йилда бўлиб тўлаш шарти билан тайёр ҳолда топшириш, томорқа хизматини йўлга қўйган тадбиркорга 7 йил муддатга 17,5 фоизли имтиёзли кредит ажратиладиган бўлди. Қолаверса, аҳоли ва деҳқонларнинг энг намунали лойиҳалари учун ҳар йили 20 миллиард сўмлик грантлар эълон қилинган, бунда 500 та маҳалладаги энг зўр лойиҳага 40 миллион сўмдан грант ажратиш тартиби жорий этилди.

Мамлакатимизда томорқачилик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида O‘zLiDeP раиси Актам Хаитов ҳудудларга бориб, аҳоли билан очик мулоқот қилди. Жумладан, ана шундай мулоқотлардан бири Сирдарё туманидаги “Қуёш” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Партия раиси мазкур маҳалладаги томорқачилар Исроил Чакалов ва Бинали Бақрадзе хонадонида бўлиб, томорқачиларнинг мавжуд муаммолари ва соҳага доир тақлифларига қулоқ тутди. Натижада томорқачиларнинг тегишли ташкilotлар билан ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, уларнинг фаолиятини янада ривожлантиришга кўмак бериладиган бўлди.



“Намунали томорқачи аёл – фаровонлик бунёдкори!” лойиҳаси доирасида, “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида ҳам жойларда манзилли ишлар ташкил қилиниб, маҳаллаларни аниқ бир экин турига ихтисослаштириш, тажрибали томорқачи аёллар билан маҳорат дарслари ташкил этиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.



Хусусан, Тойлоқ туманида яшовчи Марғуба Меликулова ҳар доим ўз меҳнати билан даромад топишни, оиласига ёрдам беришни орзу қилган. Аммо рўзгор ташвишлари ва молиявий имкониятнинг чеклангани унга йиллар давомида қўшимча бизнес қилишга имкон бермай келган. O‘zLiDeP Тойлоқ туман кенгаши томонидан ташкил этилган “Тадбиркор аёл” семинари унда тадбиркорлик ва томорқачилик ишига ошифаликнинг қайта уйғонишига туртки бўлди. Қаҳрамонимиз партиянинг маслаҳати ва кўмаги билан тикувчилик, савдо ва томорқада қулупнай етиштириш иши билан шуғулланишга қарор қилди. Натижада сиёсий куч тавсияси орқали 2023 йилда имтиёзли кредит олиб, хонадонидagi 6 сотих ер майдонига қулупнай кўчатини экди. Турмуш ўртоғи ва икки фарзанди ёрдамида қулупнай кўчатлари замонавий томчиллатиш суғориш технологияси асосида парваришлана бошлади.

Қувонарлиси, Марғуба Меликулова қишнинг совуқ кунларидан ҳам мўмай даромад билан чиқди. Қумуш фаслда қулупнайнинг килосини 150 минг сўмгача пуллаган томорқачининг бугун ҳам бозори қаққон. Боиси, етилиб пишган қулупнайнинг ҳар бир килограммини маҳаллий савдо дўконлари 30-35 минг сўмдан талашиб олиб кетишмоқда.

Томорқачи аёлнинг орзулари улкан. У ўз фаолиятини янада кенгайтириб, маҳалладаги ишсиз хотин-қизлар ва ёшларга ўз касбининг сир-асорларини ўргатишни ният қилган.

– Анча пайтдан буён иссиқхона қуришни ўйлаб юрардим, – дейди оҳангаронлик томорқачи Худойберди Аҳмедов. – Аммо кўлим бироз калталиқ қиларди. O‘zLiDeP фаоллари тавсияси билан “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили доирасида имтиёзли кредит олдим. Ана шу маблағ ҳисобига 2 сотих ерга иссиқхона қурдирялман. Таъминотчи билан келишган ҳолда бу ерда булғор қалампири етиштирадиган бўлдиқ.

Шу ўринда иссиқхона қурилишида бош-қош бўлиб юрган таъминотчи тадбиркорни суҳбатга чорладик.

– Ҳозирги кунда аҳоли хонадонларидаги иссиқхоналарда кооперация асосида сабзавот кўчатларини етиштириш лойиҳаси бўйича иш олиб бораёلمиз, – дейди “Agromir qishloq bo‘jaligi birlashmasi” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Абборжон Ҳошимов.



– Сабзавотчилик кластери асосида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га кирган 10 та оилада кооперация асосида булғор қалампири етиштиришни режалаштирганмиз. Мана, ушбу хонадонда ҳам 2 сотихли иссиқхона қуриб бердик. Энди бу ерда салкам 2 минг туп сабзавот кўчати етиштириш мумкин. Бу бир марта ҳосил олганда 25-30 миллион сўм даромад, дегани. Албатта, иссиқхонага экинлар алмашлаб экилади, йилга камида уч марта ҳосил олиш мумкин. Тўртинчи мартасига декабрь-январь ойларида укроп, кашнич, шивит каби кўкатлар уруғлари сепиб қўйилса, у ҳам яхши даромад келтиради. Бугунги кунда мазкур кооператив томорқа эгалари билан ҳамжиҳатликда барча ишларни ўзлари бажаряпти. Яъни ерни тайёрлаб, уруғни саралаб экиш, ҳатто мотокультиватор хизмати ва агротехника ишларини ҳам ташкилот қилади. Томорқа эгаси зиммасида эса таъминотчи тавсиясига кўра экинларни парваришлаш, суғориш, экин майдонини ёввойи ўтлардан тозалаш қолади. Хонадон эгаларига тавсиялар бераёلمиз. Мақсадимиз – келгусида ўрганган агробилимларини амалда қўллаш олсин. Шу тариқа бир неча йилдан сўнг ўзлари мустақил пудратчига айланади. Ана шунда ўзи хоҳлаган маҳсулотни экиб, хоҳлаган нархда сота олади. Ҳозирча фьючерс шартнома, яъни муддатли битим асосида фаолият юритяёلمиз. Шундай бўлса-да, маҳсулот тайёр бўлган, биз томорқа эгаларига энг маъқул нархни тақлиф қиламиз, ҳамкорлигимиз ҳали кўп йиллар давом этади.

Пайариқ туманидаги Бобур маҳалласида яшовчи Гулмира опа анча йиллар муқаддам “Аёллар дафтари”да рўйхатда турар эди. Етишмовчилик сабаб қийналиб қолган аёл партия тавсияси билан Ўзбекистон фермерлари кенгаши ҳузуридаги жамғармадан 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, иссиқхона фаолиятини йўлга қўйганди. Ҳозирда у маҳалладаги тўрт нафар хотин-қизни иш билан таъминлади ҳам.

Лойиҳа доирасида Қашқадарё вилояти Нишон тумани “Жаличи” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Дилафруз Тошбадалова 7 сотихли томорқасидаги иссиқхонада – лимон, мандарин, апельсин ва турли хил кўкатлар етиштириб келмоқда. Ҳозирда у маҳалласидаги 10 нафардан зиёд хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга муваффақ бўлган. Шунингдек, Самарқанднинг Пахтачи туманида истиқомат қилувчи Нодира Эгамбердиева, Зокир Эштанов, Бердулла Эгамбердиев, Ваҳоб Норқулов каби томорқачилар ўз ҳовлисидаги иссиқхоналарда турли-туман маҳсулотлар етиштириб, йилга ўртача 30 – 50 миллион сўмдан даромад топишмоқда.

Мухтасар айтганда, O‘zLiDeP амалиётда ўзини оқлаётган бу тажрибани янада оммалаштириш борасида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Мақсад – минимал имкониятдан максимал фойдаланиш, аҳолининг, айниқса, хотин-қизларнинг томорқачилик малака ва билимини янада мустаҳкамлаш, маҳаллий бозор учун маҳсулот етиштириш кўламини ошириб, ўзини ўзи банд қилишга кўмаклашиш, қолаверса, “Аёллар дафтари” орқали кам таъминланган ва ишсиз аёлларга бир неча йилдан сўнг ўзлари мустақил пудратчига айланади. Ана шунда ўзи хоҳлаган маҳсулотни экиб, хоҳлаган нархда сота олади. Ҳозирча фьючерс шартнома, яъни муддатли битим асосида фаолият юритяёلمиз. Шундай бўлса-да, маҳсулот тайёр бўлган, биз томорқа эгаларига энг маъқул нархни тақлиф қиламиз, ҳамкорлигимиз ҳали кўп йиллар давом этади.

Умид қиламизки, партиянинг “Намунали томорқачи аёл – фаровонлик бунёдкори!” лойиҳаси ҳали ана миллионлаб ўзбекистонлик томорқачи хотин-қизларни кашф этади. Бу борада O‘zLiDeP изла-ниш, ўрганиш ва ўргатишдан чарчамайди.

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ,
“XXI asr” мухбири



ҚУТЛОВЛАР

8-MAY / 2025-YIL 48 (1 120)

5




“Навоий кон-металлургия комбинати”

акциядорлик жамияти жамоаси

*халқимизни 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати
билан самимий муборакбод этади!*

*Бугунги ёруғ ва дориламон кунларимиз, тинч-осойишта
ҳаётимиз учун жасорат намуналарини кўрсатган
аждодларимизнинг буюк хотираси биз учун ҳамиша азиз ва
мангуликка дахлдордир.*

Зеро, инсон хотира билан тирик, қадр билан барҳаётдир!



ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШИ

халқимизни, соҳамиз вакилларини унутилмас
сана – Хотира ва қадрлаш куни байрами
билан қутлайди!

Инсонни қадрлаш, эъзозлаш юртимизда виждон иши
ва фуқаролик бурчига айланган бир пайтда
ушбу куннинг умумхалқ байрами сифатида кенг
нишонланишида ҳам ўзгача ҳикмат бор.

Шундай экан, биз ҳамиша ўтган улуғларимиз
хотираси олдида бош эгамиз, тирикларни эса ҳар
қанча қадрласак арзийди.





**Biznesni
Rivojlantirish
Banki**



9-may
**Xotira va
qadrlash kuni**

www.brb.uz

 **1254**

Tezkor o'tkazmalar, ishonchli yechimlar

200 dan ortiq mamlakatlarda pul o'tkazishning kafolati va xavfsizligi.
BRB orqali AQSh dollari, yevro va Rossiya rublida pul yuboring
va oling.



Хизматлар лицензияланган!

Машъум уруш хотиралари

Инсоният тарихида мудҳиш хотиралар қолдирган Иккинчи жаҳон урушида бошқа миллатлар қатори ўзбеклар ҳам қатнашди ва Ғалабага муносиб улуш қўшди.

кеч кузда уйга қайтганмиз. Мана бугун оила аъзоларимиз билан тинчлик, фаровонликда умргузаронлик қиляпмиз. Ҳаётимиз йилдан-йилга яхшиланиб борапти. Шу яхшиликлар ҳамиша халқимизга ёр бўлсин.

– Уруш бошланганда мен 15 ёшда эдим, – дейди **зоминлик Ботир бобо Худойбердиев**. – Дарс ўтаётган ўқитувчим радиодан келган ахборотни эшитиб, ҳўнграб йиғлаб юборганди ўшанда. Нима бўлганини тушунмасак-да, ўқитувчимизга қўшилиб, биз ҳам йиғлагандик. Орадан кўп ўтмасдан мактаблар ёпилди. Юқори синф ўқувчилари урушга кетган ишчилар ўрнини тўлдириш мақсадида ишга жалб қилинди. Биз шу зайлда тўрт йил тинимсиз далада ишладик. Мактабдаги дарсларни ўлда-жўлда ўзлаштирардик. Очлик даврларини бошимиздан кечирдик. 1943-44 йилларда далада ишлаб юрган вақтларимиз ҳар икки куннинг бирида кимнингдир оиласига қора хат келарди. Буни биз ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Ҳеч қайси кинода бу ҳолат акс этмаган. Оналар боласининг қора хатини кўчиб хушидан кетарди, аёллар сочларини юлиб йиғларди. Акам, икки амаким урушда бедарак кетди... Ҳар тонгда менинг улғайиб бораётганимни кўрган онам бўйинг етгунча уруш тугасин-да, дея дуо қиларди.

Уруш тугади, аммо оғриқлари анча вақтгача бизга билиниб турди. Шу кўнларни ўтказиб, тинчлик-осойишталик замонларга етиб келганимиз, у даврлар ортда қолиб, халқимиз фаровон ҳаёт кечириётганидан дилимда шукроналик туйғуси уфуриб турибди. Илоё, халқимиз ёмонлик кўрмасин, тинчлигимизга кўз тегмасин, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Дилобар МАМАТОВА,
Ўза



БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Уруш ва фронт орти фахрийларини, дуоғўй кексаларимизни фақат байрам кўнларида эмас, балки йилнинг тўрт фаслида ҳам эсласак, ардоқласак арзийди. Уларга кўрсатган эътибор ва эҳтиромимиз Яратганга ҳам хуш келади. Байрамлар байрамларга уланаверсин!





“Navobod Naslli Parranda”

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Инсон қадри учун!” тамойилининг ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани 9 май – Хотира ва қадрлаш кунининг ҳам нуфузиди янада ошириб юборди. Дориламон кунларни орзу қилганлар хотираси бизлар учун ҳамisha муқаддасдир. Уларнинг ҳақиқа дуо қиламиз, тинчлик нақадар улғу неъмат эканини англаймиз. Байрамингиз муборак бўлсин!








Нукус туман депутати

ЖУМАНАЗАРОВ

АЛИШЕР

РУСТАМОВИЧ

Бугун, аввало, Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган ватандошларимизни, фронт ортида хизмат қилган нурунийларимизни, қолаверса, кексаларимизни хотирлаймиз, қадрлаймиз. Бу санани нишонлаш, байрам қилиш ҳар йили анъанага айланмоқда. Ўтмишини унутмаган, аجدодлари хотирасини азиз деб билган авлодлар бахтли, саодатли яшайдилар.



Шароф Рашидов тумани

“ХОЛМУМИНОВ

ЗОҲИД”

ФЕРМЕР ХУЖАЛИГИ

Ўзбекистонда ҳар йили 9 май санаси ўзгача шукуҳ ва кайфиятда нишонланади. Ўзига хос қадриятга айланиб кетган боқий анъаналар бу байрамнинг халқчиллигини таъминламоқда. Миллат бор экан, хотира биз учун ҳар доим муқаддас бўлиб қолаверади. Инсон қадри эса улуғланаверади. Айёмингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!



Самарқанд вилояти
Тойлоқ туманидаги

“DALER-MED



SERVIS”

хусусий корхонаси

Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан барчангизни чин юракдан қутлаймиз! Тинчлик, осойишталик, хотиржамлик ҳамisha барқарор бўлсин! Аждодлар хотираси ва жасорати абадийдир!

Мурожаат учун тел:
50 006 56 04





ЖОНИМ – НОНИМ

Тўқилмаган ҳикоя

...Уруш ёшу қарини аямай ўз домига тортиб кетаётганига қарамай, хув бошланган йиллик отам ёши қирқдан ошганлиги сабаб ёки кўп болалиги ҳисобга олинганими, фронтга жўнатилмаганиди. Шу тариқа то 1943 йилгача қаҳатчилик пайтлари бўлишига қарамай, ҳарна отам туфайли рўзгоримиз амал-тақал ўтиб турарди. Аммо қора хатлар дўлдай ёғиб турган пайти отам ҳам ҳарбий комиссариатга чақирилиб, зудликда фронтга жўнаши кераклиги айтилди.

Бу оиламиз учун қутилмаган фожаия бўлди. Ўша пайтлар оилада беш фарзанд, онам эрта-индин яна кўзи ёрийман деб юрганди. Ҳартугул, отамнинг айтишича, уларни қурилиш батальонига олиб кетишгаётган экан. Биз учун эса ҳаммаси бир – уруш барибир уруш эди-да! Қиёмат-қойим, йиги-сиги билан изиллаб-изиллаб падаври бузрукворимизни номаълум манзил томон кузатиб ҳам қолдик. Ахир қўлимиздан бошқа яна нима ҳам келарди?

Ўша куннинг ўзидаёқ қаттиқ сиқилганидани ё палласи етган чоғи, онамни тўлғоқ тутиб, энг ичкаридаги хонада азобли ингроқларини бошлаб юборсам! Холам дам биз болаларни ҳовлидан ҳайдаган, дам онам ётган хонага югурган... Биз эса ҳозирча кенжабой, эндиликда, худо насиб этса, шу бугундан акага айланажак укачамизни наватбата-навбат оқичанча, юпатмоқчи бўлар, аммо қўлқларимизни динг қилганча доянинг ғўнг-ғўнг қилиб нималардир деб жеркиши, онамнинг эса “виийий... ўламан-а, ўлибгина қоламан!” деган юракни ўртовчи чинқириги келиб турган хонадан узоқлашолмасдик. Ниҳоят юракни сиқувчи жамикси бошқа овозларни йиртиб-ёриб, ичкаридан чақалоқ ингаси эшитилди. Қиз! Қизалоқ туғилди! Биз энди бир ўғилу тўрт қиз бўлгандик.

Шу тариқа орадан бир ойча вақт ўтди. Опачам дадам жўнашининг эртасигаёқ заводга ишга жойлашган, мен эса энди унинг ўриндан сингилмени етаклаганча кунига берилдиган 200 граммлик жавдар нон – “паёк”имиз учун навбат олгани саҳармардондан уйдан чиқиб кетардим. Кун бўйи бўлса ҳам ўша на-вбатда турардим, совуқларда, очликдан қўқираб, музлаб қолсак ҳам, уйга ўша “паёк”сиз қайтмаймиз. Ўша пайтлар анча-мунча одамлар очликдан кўчада шишиб кетишлари, вафот этишлари, уйдаги сўнгги кўрпаси бўлсин ёки пўстинчигини, хуллас, ярқоли бирор нарсасини қучоқлаганча бир бурда нон пулига со-тиш учун йўлга чиқиб, очликдан йўлдаёқ жон таслим қилганлар ҳам кўп. Шу билан бирга, Тошкентга уруш бўлиб ўтган жойлардан эше-лон-эшело одамлар нажот излаб келишар, бутун мамлакат учун Тошкент ягона – сўнгги

бурдасини ҳам аямаган нон шахри бўлган пайтлар эди...

Бир куни мактабдан келсам, уйимизда бир бегона одам ўтирибди. Бу киши отамиз-дан келган чопар экан. Унинг айтишича, отам ҳозир Қозоғистондаги қурилиш батальониди бўлса-да, бир ҳафта-ўн кундан кейин у ерда ишлаётган аристонлар дейсизми, сургун қилинганларми, хуллас, ўшаларнинг бари ва Тошкентдан борганлар – ҳаммаси бир жойга йиғилгандан кейингина фронтга — урушнинг энг олд жабҳасига жўнатиб юборилар эмиш. Ўша одамнинг: “У ерлар – ажалнинг оғзи! У томонга борганларнинг бирортаси тирик қайтмаган!” дегани ҳамон ёдимда.

Онам яна пиқ-пиқ йиғлади. Биз ҳам... Шунда ҳалиги одам:

– Дийдор қиёматга қолмасин десангиз, ҳалиям кеч эмас. Ўша ёққа Тошкентдан поезд қатнайди. Эрингизни охириги марта қўриб қайтсангиз бўлади, – деди.

Эртасигаёқ онам қўлидаги чақалоғи билан, укачамни эса иситмалаб ётгани учун қўш-ниларга қолдириб, опам билан мену етти ёш синглим, заводда ишлайдиган холам ҳамроҳ-лигида турнақатор бўлиб йўлга чиқдик. По-ездга тирмашиб чиқиб, ур-йўқит, тикилинча Қозоғистоннинг Черняевка деган ҳудудиди, оппоқ қор билан қопланган чўлу биёбониди-ча кимсасиз вокзалда поезд тўхтамаси-да, атайдан бироз секинлаб ўтишини ҳисобга олиб, шай турганимиз учун фурсатдан фой-даланиб, бирин-кетин сакраб, вагонимиз-дан тушиб ҳам олдик. Сўнг бир извош ёллаб, отам хизмат қилаётган жой – Озодбош деган посёлкага қараб жўнадик. Бу жойлар бийдай дала – чўл бўлиб, изғирин шу қадар кучли эди-ки, кўз очиб бўлмасди. Биз қандайдир ҳан-дақлару тиккайган қалин-қалин темир шпал-лар оралаб, паналай-паналай отам хизмат қилаётган қисм яқинига бордик. Қор ҳалиям майдалаб, ундай эланиб ёғар, қайлардандир келаётган янада совуқ изғириннинг бўридек увиллаши юрагимизни ваҳмдан, суякларимиз-ни аёздан қақшатарди. Шу пайт худди ўғри-лардай бироз букилиб, югурганча қаёқдан бир пасда озиб-тўзиб қолган отам ҳам етиб келди. Ҳаммамиз атрофга аланглай-аланглай ертўлага ўхшатиб чуқур қазилган бир хандақ-нинг ичига тушиб олганмиз. Ҳеч ким кўрмасин деб, чўқкалаганча, пичирлашиб, ҳикиллашиб хол-аҳволлашдик. Онам қўлидаги чақалоғини отамга узатди. Отамнинг кўзларидан тирқи-раб ёш чиқиб кетди. Сингилчамнинг юзини очиб, пешонасидан ўпди.

– Индинга урушга жўнаймиз. Бўлди, энди сенларни қайтиб кўрмайман. Мендан рози бў-линглар, – деди отам ҳар биримизни яна бир-бир бағрига босиб, сўнг ёнидаги бор пулини чиқариб, онамнинг қўлига тутқазди:

– Мендан қора хат келса, ортимдан оворга бўлиб суриштириб юрма! Болаларимни асра, эҳтиёт қил. Энди боринглар, поезддан қолиб кетманглар, тез Тошкентга қайтинглар. Бошқа мени изламанглар!

Бу отамнинг энг охириги гапи эди...

Ажабки, бу гап на холам, на онам кўзёши қилиб, чувиллашмади. Эҳтимол командирлар эшитиб қолишидан қўрқибшгандир. Миқ этмай, жойимиздан кўзгалдик.

Биз яна ўша станцияга етиб келгани-мизда кундузги бешлар бўлиб, атрофни ғи-ра-шира қоронғилик ишғол қила бошлаганди. Тошкент тарафга кетадиган поезд бу ерда уч дақиқа тўхтаркан, шунгами, у етиб келиши ҳа-мон станциядаги жами одам борки, бир-бири-ни босиб-янчиб, ҳамон мана кетдим, чопдим, югурдим, кейин ўлсангм етиб ололмайсан, дегандек пишқириб, бир неча дақиқагина тез-лигини сусайтириб ўтиб бораётган поезд ва-гонларига урхо-ур тирмашиб, осилиб, илбини олишга тушдилар. Биз ҳам шу тикилинчада ти-ришиб-тармашиб ётганимизда бирдан поезд “пув-в-в” этиб чинқирди-ю, тезлигини зумда ошириб, станциядан зувиллаб кетди-қолди! Биздан олдинроқ опам етти яшар синглим-нинг қўлидан ушлаб, вагонга чиқишга улгуриб қолганди. Онам, холам, мен эса ҳаллосланган-ча ур-тўполон туфайли ортага сурилиб, ва-гонга илашолмай қолган бўлсак-да, изиллаб йиғлаганча на сакраганим билмай, на бизга бир кўмак беролмай, биздан олислашётган опам чиқиб олган вагоннинг кетидан додлаб, қўқина-сурина анча жойгача югуриб бордик.

Аммо қаёқда! Етолмадик. Ахйир бири-ни қўли билан бағрида чақалоқ билан ханси-раганча ерга ўтириб қолди. Холам эса ҳарс-ҳарс қилар, ўпкаси ғалати вишиллаб, тивит рўмолини бир енар, тердан жикқа хўл бўлган сочлари қатирлаб, музлай бошлаши билан яна қайта ўраб оларди.

– Энди болаларим нима бўлади? – бутун-лай бўлашиб деди ниҳоят онам опам билан сингилмени олиб кетган поезднинг изидан тер-мулиб...

– Хавотирланма, болалар-ку Тошкентга қараб кетишди. Биз-чи? Бу чўлда биз нима бўламиз? – атрофга қўрқув билан аланглади холам.

Ҳақиқатдан ҳам зулмат худди ўша – отам-ни ўз домига тортиб кетаётган ажал ўқони-дек атрофимизни қураб кела бошлаганди.

Охириги поезд тунги 12 да ўтишини билгач, станциядаги ягона скамейкага тизилишган-ча ўша пайтни кута бошладик. Қоринларимиз очиб кетган, совуқ жонимиздан ўтиб, кўкариб қолганимизга қарамай, сабр билан кутардик. Шу ердан ўтиб кетган бир чолнинг айтиши-ча, савил бу поезд ҳам станцияда бор-йўғи уч дақиқа оёқ қилар, бўлмаса тўхтамай ҳам кетавераркан. Шу боис энди бу сафар поезд узоқдан овоз бера бошлаши билан ниҳоятда чаққон ҳаракат қилдик. Онам менинг қўлим-дан маҳкам ушлаб олган, холам эса чақалоғи йўраклаган ҳолича кўндалангига қўлтиғи қисиб, поезд тўхтар-тўхтамасдан югургила-ганча унга тарамшидик. Ававал мен, кейин онам ва ниҳоят холам қоронги, тўс-тўполонда по-ездга чиқовддик. Шунда холам бирдан чинқи-риб юборди:

– Опа! Опа!!! Уйимиз куйди! Оп кетди! Оп кетди! – жон ҳолатда ўзини ҳар ёнга урарди

холам. – Болани! Болани “самарска”лар ўғир-лаб кетишди, опа!

Шундагина гап нимадалигини тушундик. Ўша пайтлар Тошкентнинг ўзида ҳам, унинг атрофида ҳам ўсимир болалардан таш-кил топган гуруҳлар ўғрилик, йўлтўсарлик би-лан кун кўрар, уларнинг орасида Самара ко-лонияларида жазо ўтаган, уруш туфайли биз томонларга келиб қолган болалар тўдабо-ши эканлиги ҳақида миш-мишлар кўпайгани учунми, “самарскийлар” деганда ҳамма зир титрайдиган бўлиб қолишганди.

Онам, ортидан холам, мен яна сакраб пастга тушдик.

– Ребон-ка-а! Мой ребонка не-ет! – бил-ганча русчалаб қирқираб югурарди онам, бу кимсасиз вокзалда бирдан пайдо бўлиб, пишқираётган поездга чиқиб олиш ҳаракати-да бирпасда атрофни босган оломон орасида туртиниб-суртиниб чор ёққа югураркан. Аммо одамлар ўзи билан овора, тапир-тупур, бир-бири-ни итариб-туртиб поездга тирмашардилар. Бу урхо-уру тўс-тўполонда онамнинг дод-вой-ларини поезднинг огоҳлантирувчи “пу-ув, пу-пуув!” деган чинқириги кўмиб юборди-ю, сўнгги умидимиз ҳам унга қўшилиб, шақирлаб, жойи-дан жилди ва тарақа-туруқ-тарақа-туруқ... эт-ганча биздан олисларга жўнади-кетди.

Шўрлик онам телбаларча яна поезднинг ортидан югурар, йиқилар, бақирар, яна ту-риб, яна олдинга чопарди. Унинг изидан ю-ра-югура холам иккаламиз ҳам қолдан тойиб, йиқилдик.

– Кетди, болангни уфинислар поездда об кетди, – йиғларди холам. – Поездга чиқаётган-нимда қўлтиғимдан суғуриб олишди. Нон деб ўйлашди чоғи...

Аммо онам на холамнинг гапига қулоқ тутар, на менинг йиғимга, телбаларча ҳа-мон қоқиниб-суқиниб поезд йўлидан борар, атрофга аланглар, қоп-қоронғи тун қўйни-дан эса шоқолларнингми ё оч-наҳор итлар-нингми ваҳимали увиллаши бўрон олди ша-молининг ғўв-ғўвига қўшилиб келарди. Мен онамни жинни бўлиб қолди, деб қўрқиб кет-ган, у билан қадам-бақадам борарканман, эн-ди йиғлаш туғул даминми ҳам чиқармасдим. Шу пайт қаёқдандир мушукнинг миёвляшига ўхша овоз эшитилди. Онам таққа тўхтади.

– Ми-ив... ми-ивв...

Энди бу овозни холам иккаламиз ҳам эшитдик.

– Шу ёқдан! – деди онам поезд йўлнинг устида тўрт оёқ бўлиб, қулоғини ерга босган-ча. – Шу ёқдан келяпти овоз, – ва эмаклаганча ўша ўзи тусмол этган томонга яқинлаша бо-шлади.

Яқин атрофдан яна аллақандай увиллаш эшитилди. Бироз сукунатдан кейин эса ўша оғиз, заиф сас:

– Ми-ивв...

Овоз поезд йўлининг чап томонидаги қандайдир чуқурдан, қақшаб, қуриб-қотган чақаллар ичидан келарди.

– Ана! – ҳовлиқди холам. – Бир нарса оқариб кўрингандай бўлди.

Онам шоганча, тийганиб ўзини тиконли чакалак ичига урди ва кўп ўтмай ҳовлиққан-ча бағрига бир тугунни босиб қикди. Тун қо-ронғисига қарамай, наздимда, онамнинг ран-ги оқариб, ўзидан хира нур таратиб турган каби эди... Онаизоримнинг бу телбавор ҳола-ти менга жуда қўрқинчли туюлган, у ачиналар макони ҳисобланадиган чақалақзор ичидан арвоҳга айланиб чиқиб келгандек холамнинг ортига беркиндим.

– Овоз қўлоғимизга эшитилди, шекилли, – негадир ҳирқираганча деди онам. – Қара, энди жимми қолди.

– Ўзини очиб кўрайлик. Менда гугурт бор, – деди холам чўнтақларини титкилар-кан.

Холам заводда ишлай бошлагач, папирос чекишга ўрганганди. Умуман, ўша пайтлар кўп аёллар ё тиш оғрини, ё узлуқлиқ оғир меҳнат туфайлими анчайин эркакшодалашганди. Ам-мо ўша далли-ғулли холам ҳам ё совуқ ёки ал-лақандай ваҳмдан гугуртни чақа олмай қалти-рарди. Ниҳоят “чирс” этиб ёнган гугурт олови шамолда яна ўчиб қолмаслиги учун учаламиз ҳам йўргакни ўртаимизда ушлаб, энгашганча уни очарканмиз, унда ҳали ўзимиз ҳам унча-лик ўргана олмаган сингилчамни таниб, унсиз йиғлаб юбордик. Шўрлик поезддан улоқти-рилган чоғи, пешонаси, чаккалари шилиниб қонанган, йўргаги бошига ўралиб қолгандан эса кўм-кўк бўлиб, қўзларини чирт юмганча ётарди.

– Ўлибди... – пичирлади онам шивирлаб... Сўнг шоша-пиша ёқасини очиб, кўкрагини чақалоқнинг оғзига тикди: – Сўнгги насибан-ни қолдирма, болам!

Қутилмаганда бола... “миқ-миқ” эма бош-лади. У тирик эди! Менинг сингилчам уруш, очарчилик йиллари безори болалар нон деб ўғирлашган, кейин бу тугундаги нарса нон эмас, бола эканлигини билишгач, уни изғирин ва йиртқиқ бўрилардан ўзга жон асари йўқ даштга, юриб кетаётган поезддан улоқтириб, отворишган сингилчам... тирик эди!

Ҳозир эса унинг тўрт ўғил, бир қизи, ке-лину куёвлари, қатор набиралари бор. Тур-муш ўртоғи билан қўша қариб юришибди...

Отам билган экан. Ўша йилдаёқ ундан қора хат келди. Онам ва холам ҳам бу дунё-ни тарқ этганларига анча бўлди. Ўша мудҳиш тундаги воқеаларнинг ягона гувоҳи бўлиб ўзим қолибман...

Ва чақалоқ пайти нон деб ўғрилланган сингилм... Нимасини айтасиз, нон инсондан ҳам, жондан ҳам азиз бўлганда у пайтлар... Ортада қолгани рост бўлсин...

Дилфуза ҚЎЗИЕВА

Тошкент, 2005 йил.

PS: Мазкур ҳикоя Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Ибратимов кўчаси 48-уйда яшовчи Назира ая Абдуқодирова ҳаётида бўлиб ўтган воқеалар асосида ёзилди.

ЭҲТИРОМ

ҲАР ЛАҲЗА ҒАНИМАТ, ҲАР ФУРСАТ АЗИЗ

Май ойининг эрта тонги раван тебранаётган майса узра шабнам томчилари қуёш нури остида сокин жимирлайди. Бу ҳолат кишида қулиб йиғлаётган кимсанинг ўйчан нигоҳи каби теран бир таассурот уйғотади. Гўёки табиатнинг авзонда бир афсус, яна аллақандай шукроналик ҳиссини иллагандай бўласан.

Хотира абадий, қадр муқаддас!.. Ушбу ҳикматбахш иборалар замирида бир дунё ҳақиқат мужассам. Албатта, тарихни ўзгартириб ё ортга қайтариб бўлмайди. Шу маънода бундан 26 йил аввал мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинганда халқимиз, кенг жамоатчилик қанчалар қувонгани, ниҳоят тарихий адолат қарор топгани учун барчамизнинг бошимиз кўкка етгани маълум.

Таъкидлаш керакки, бу шунинг қадр-қиммати нечоғ-лик улғувор эканини изоҳлаш шарт эмас. Барчамиз бу фо-ний дунёда яшаб ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг бой маънавий меросини ўрганиш, хайрли ишларини давом эттиришдек муқаддас инсоний бурчининг мазмун-моҳия-тини теран англаб етмоғимиз шарт. Албатта, фахрланса арзигулик бой ўтмиши, қадрият ва анъаналари бўлмаган, ўз тарихини унутган, қадрламаган халқнинг келажаги ҳам йўқ.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 19-февралдаги “Ик-кинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик қириш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарориди белгилангани-

дек, юртимизда бу тарихий санани кенг нишонлаш, Иккин-чи жаҳон урушида қозонилган ғалабага ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда Ватан равнақи, тараққиёти ва унинг ҳимояси учун курашган буюк аждодларимизга алоҳида эътибор ва чуқур эҳтиром кўрсатиш ҳар биримиз-га жиддий масъулият юклайди. Юртимизда олижаноб қад-риятга айланган бу савобли ишга ҳеч ким бефарқ бўлол-майди ҳам.

Бундан 85 йил аввалги даҳшатли талотумларни эслай-лик: ўша даврда собиқ иттифок таркибидagi халқлар учун Ватан ҳимояси ҳаёт-мамат масаласига айланганини унут-иб бўлармиди. Барча миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳат бўлиб, юксак мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўр-сатганини бугунги авлод тарихий китоблар, архив ҳужжат-лар ва кинофильмлар орқалигина билиши мумкин. Уруш билан боғлиқ унутилмас хотиралар барча авлодлар учун намуна ва ибрат мактаби вазифасини бажариб келаётгани ҳам шир эмас.

Оддий мисол: Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистон-дан 2 миллионга яқин инсон сафарбар этилган, улардан 538 минг нафардан ортиғи жанг майдонларида қаҳрамон-ларча ҳалок бўлган, 158 минг нафардан ортиғи эса беда-рак йўқолган. Уруш йиллари Ўзбекистон нафақат фронт учун жангчиларни, балки бутун мамлакат учун озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа етказиб берувчи муҳим мар-казга айланган. “Ҳама нарса фронт учун!” шиори остида одамлар куну тун меҳнат қилишгани ҳам бор гап. Жумла-дан, ёши улуглардан юртимиздаги фронт учун мослашган 310 дан ортиқ заводлар, фабрикалар, корхоналарда Ўзе-бекистонлик хотин-қизлар, болалар, қариялар – ҳамма бир ёқдан бош қикариб, ғалаба учун тер тўкканини кўп бора эшитганмиз.

Ўзбекистон ўша оғир йилларда 1,5 миллиондан ор-тиқ эвакуация қилинган аҳолини, шундан 250 мингдан зи-

ёд етим болаларни ўз бағрига олган. Хусусан, тошкентлик темирчи Шомамхўм ота 15 нафар, самарқандлик деҳқон Ҳамид Самадов 13 нафар, каттақўрғонлик уруш ногирони Фозилжон Шарипов 10 нафар болани ўз оиласига қабул қилиб, сўнгги бурда нонини ҳам баҳам кўрган.

Айтаверсак бу рақамлар ортида қанча фожаия ва аянчли қисматлар ётгани аён бўлаверади. Халқимиз бу-гунги кунгача ана шу машъум уруш хотираларини унут-гани йўқ. Ҳозирги кунда санокли бўлса-да, ўша олов-ли фронтдан тирик қайтиш насиб этган мард ва жасур боболаримиз юртимизнинг турли бурчақларида умргу-заронлик қилиб келишмоқда. Улар чин маънода тирик афсонага айланган, ҳар қанча эъзозласак, қадрласак арзийди. Тинчлик ва мустақиллик учун ўз жонини аяма-ган ота-боболаримиз ва мард ўғлонларимизнинг буюк жасорати, матонати ҳамда фидойиликлари абадиятга дахлдор экани шубҳасиз.

Яна бир эътиборли жиҳати, Президентимиз ташаббу-си билан қарорда алоҳида таъкидланганидек, айнан му-стақиллик йилларида 200 нафарга яқин ҳарбий хизматчи-лар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳам Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш ва мамлакатимизнинг тинчлиги ва оёйсйишталиги, халқимиз омонлигини сақлаш йўлида ўз жонини фидо қилганини унутиб бўладими? Энг шарафли ва масъулияти хизмат бурчини бажариши чоғи-да ҳалок бўлган ёки ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизмат-чилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларини ҳам ана шу сана муноса-бати билан маънавий ва моддий қўллашда барчамиз ҳам-жиҳатликда хайрли ишлар олиб бормоқдамиз. Жойларда бу санага бағишлаб учрашувлар, маданий-маърифий тад-бирлар ўтказилмоқда.

Мухтасар айтганда, Ватанимизнинг барча бурчақла-рида, шаҳар ва қишлоқ-овуларда Хотира ва қадрлаш



Дилнозахон АБДУЛЛАЖОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети
профессори, психология фанлари
доктори (DSc), профессор

кунини юксак даражада нишонлаш, кўп миллатли Ўзе-кистон халқининг тарихий қаҳрамонлиги, фидокорона меҳнатини шарафлаш, ёшларимизни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, бугунги тинч, дориламон кунларнинг қадр-қимматини чуқур ҳис этмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_ast@mail.uz
xxi_ast@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлигида 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўyxатдан ўтказилган.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси басмаохонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 545
Адади: 5670
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ